

**ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ
СИФАТИДА**

Файзуллахўжаев Элдорхон Жавохир ўғли

“MY LAWYER” Адвокатлик фирмасининг адвокати, Тошкент давлат юридик университети
“Суд ҳокимияти, адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” шўъбасининг
ўриндошлик асосидаги ўқитувчиси

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида адвокатура институтини ҳамда малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентабрадаги ПФ-158-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 88-бандида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўналишидаги мақсадлардан бири сифатида адвокатура институтининг салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш белгиланган. Ушбу мақсадга эришишда адвокатлик тузилмаларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. 2026 йил 1 феврал ҳолатига республикаимизда 4024 та адвокатлик бюроси, 564 та адвокатлик фирмаси ва 80 та адвокатлар ҳайъатлари фаолият кўрсатмоқда.

Адвокатура тарихидан маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк йилларида адвокатура институтини тартибга солувчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг адвокатураси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1961 йил 30 майда қабул қилинган Қонуни (Қонуннинг 1980 йил 12 ноябрдаги таҳрири) қўлланилиб келинган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилишича, адвокатларни бирлаштирувчи ташкилот сифатида адвокатлар коллегиялари ҳамда юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналар каби ташкилий тузилмалар мавжуд бўлган.

1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – “Қонун”)нинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда илк бор адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати каби адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллариغا ҳуқуқий асос яратилди. Қонуннинг 4-моддаси илк таҳририга кўра **адвокатлик фирмаси** адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири сифатида кўрсатилган бўлсада, унинг ўзига хос хусусиятилари ва бошқа адвокатлик тузилмалари шаклларида фарқи ёритилиб берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик бюролари ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги Низомда ҳам адвокатлик фирмасининг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан бошқа адвокатлик тузилмалари шаклларида фарқи аниқ тартибга солинмаган.

2008 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан адвокатлик фирмасининг ташкилий асослари ва ўзига хос хусусиятлари тартибга солинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни янги 4²-модда

билан тўлдирилди. Қонуннинг янги 4²-моддасида назарда тутилган нормаларига мувофиқ адвокатлик фирмаси **шерикликка асосланган** ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган нотижорат ташкилоти эканлиги ҳамда адвокатлик фирмасини таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузиши шартлиги мустаҳкамланди.

Адвокатлик фирмаси адвокатларнинг шерикчилигига асосланар экан, шериклик шартномасининг тузилган бўлиши адвокатлик фирмаси тузилма сифатида фаолият кўрсатиш лаёқатига эга бўла олишини англатади. Қонуннинг 4²-моддаси ўн биринчи қисмида белгиланишича, шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шартномасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак. Демак, амалда бўлган шериклик шартномасисиз адвокатлик фирмаси адвокатлари (шериклари) юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу сабабли шериклик шартномаси адвокатлик фирмасининг фаолияти учун пойдевор сифатида қаралиши лозим.

Шериклик шартномаси адвокатлик фирмаси учун муҳим корпоратив ҳужжатдир. Шериклик шартномасининг ҳуқуқий табиатини тадқиқ этиш адвокатлик фирмаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларни чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Битимларга оид қоидаларга мувофиқ, шериклик шартномаси икки тарафлама (агар иккита адвокат ўртасида тузилса) ёки кўп тарафлама (агар уч ва ундан ортиқ адвокат ўртасида тузилса) битимлар турига киради. Шериклик шартномасининг тарафлари сифатида фақат адвокатлар бўла олади, адвокатлик фирмасининг ўзи юридик шахс сифатида шериклик битимида тараф сифатида иштирок этмайди. Битимларнинг шаклига оид қоидаларга кўра, шериклик шартномаси фақат оддий ёзма шаклда тузилади.

Қонуннинг 4²-моддаси учинчи қисмида белгиланишича шериклик шартномасига кўра адвокатлар – шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Аини пайтда ушбу норма шериклик шартномасининг предметини ташкил этади.

Фуқаролик кодексининг 364-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Демак, шериклик шартномаси тузилиши учун адвокатлар шериклик шартномасининг муҳим шартлари юзасидан келишувга эришишлари зарур.

Қонуннинг 4²-моддаси тўртинчи қисмига кўра, шериклик шартномасида унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.

Ушбу нормада “ва бошқа муҳим шартлар” деган жумланинг мавжуд бўлиши муҳим шартларнинг доираси аниқ эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай ҳолат эса ўз навбатида адвокатлар – шериклар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатда муайян шарт шериклик шартномасининг муҳим шarti бўлиб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги борасида тортишувларга сабаб бўлиши мумкин.

Айрим хорижий давлатлар тажрибасининг таҳлили қўйидагиларни кўрсатди. Қозоғистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти ва юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, адвокатлик тузилмасининг шаклларида бири бўлиб **адвокатлик контораси** ҳисобланади. Адвокатлик контораси бир ва ундан ортиқ адвокатлардан иборат бўлиши мумкин. Агар адвокатлик конторасининг таркибида икки ва ундан ортиқ адвокатлар аъзо бўлса улар шериклик шартномасини тузишлари шарт. Бундай шериклик шартномаси давлат рўйхати билан ўтказилмайди. Шу билан бирга, Қозоғистон қонунчилигида адвокатлар ўртасида тузиладиган шериклик шартномасининг муҳим шартлари рўйхати келтирилмаган.

Россия Федерациясининг 63-ФЗ-сонли “Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, адвокатлик тузилмасининг шаклларида бири бўлиб **адвокатлик бюроси** ҳисобланади. Бюро тузишга қарор қилган адвокатлар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ўзаро **шериклик шартномасини** тузадилар. Бюронинг барча иштирокчилари – хоҳ дастлабки муассислар бўлсин, хоҳ кейинчалик қўшилганлар бўлсин – шериклар деб тан олинади. Россияда шериклик шартномаси адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилмаслиги принципа билан жиҳатдан муҳим ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолат шартноманинг профессионаллар ўртасидаги ишончли (фидуциар) муносабатларни тартибга солувчи **ички ҳужжат** эканлигини таъкидлайди, бюронинг юридик шахс сифатидаги ташқи муносабатлари эса унинг устави билан белгиланади.

Россия Федерациясининг Ф3-63-сонли “Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддаси 4-бандига мувофиқ шериклик шартномасида қўйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

- шериклик шартномасининг амал қилиш муддати;
- шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби;
- адвокатлик бюросининг олий органи сифатида шериклар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарор қабул қилиш тартиби. Бунда шериклик шартномаси билан умумий йиғилишда қарорлар қабул қилишда ҳар бир шерикка тегишли бўлган овозлар сони тенг ёки турлича миқдорда белгиланиши мумкин;
- адвокатлик бюросининг бошқа органларини шакллантириш тартиби, уларнинг таркиби, ваколатлари ва қарор қабул қилиш тартиби;
- бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби ва унинг ваколатлари;
- шериклар таркибига қабул қилиш, адвокатлик бюросидаги иштирокни тўхтатиб туриш ва шериклар сафидан чиқариш (четлатиш) тартиби;
- шериклар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан олинган ҳақни (гонорарни) тақсимлаш тартиби, бунда ҳақ миқдори қатъий суммада белгиланиши ёки шериклик шартномасида назарда тутилган шартларга мувофиқ аниқланиши мумкин;
- бошқа шартлар.

Германияда адвокатлар Фуқаролик кодекси (BGB), Тижорат кодекси (HGB) ва «Шериклик жамиятлари тўғрисида»ги махсус қонун (PartGG) билан тартибга солинадиган турли шаклларда бирлашишлари мумкин:

- Gesellschaft bürgerlichen Rechts (GbR): Шерикликнинг энг оддий шакли бўлиб, бунда барча иштирокчилар шериклик қарзлари бўйича ўзларининг барча мол-мулки билан чекланмаган шахсий жавобгарликка эга бўладилар.

- Partnerschaftsgesellschaft (PartG): Эркин касб эгалари учун махсус шакл. У қатъий маънода тижорат ташкилоти ҳисобланмайди ва савдо солиғини (Gewerbesteuer) тўламайди, чунки фойда солиғи мақсадлари учун «шаффоф» тузилма ҳисобланади (солиқларни шерикларнинг ўзлари тўлайдилар).

- PartG mbB (mit beschränkter Berufshaftung): Энг замонавий ва оммабоп шакл. У шерикларнинг касбий хатолари (malpractice) учун шахсий жавобгарлигини чеклаш имконини беради. Хатолик юз берган тақдирда, башарти шериклик тегишли жавобгарлик суғуртасига эга бўлса, фақат шерикликнинг мол-мулки жавобгар бўлади.

«Шериклик жамиятлари тўғрисида»ги махсус қонун (PartGG)нинг 3-параграфига мувофиқ, шартномада албатта шерикликнинг номи ва жойлашган ери, шерикларнинг исмлари, касби ва яшаш жойи, шунингдек, фаолият предмети кўрсатилиши шарт. Номланишга доир талаб муҳим хусусият ҳисобланади: номда камида битта шерикнинг фамилияси ва «чекланган касбий жавобгарлик билан» деган қўшимча ёки «mbB» аббревиатураси бўлиши керак. Шериклик шартномаси Шерикликлар реестрида (Partnerschaftsregister) рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Хорижий тажрибанинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шерикликка асосланган муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги адвокатлик тузилмалари учун шериклик шарномаси муҳим ролни уйнайди. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонунчилигида қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқдир: 1. Шериклик шартномалари учун муҳим шартларнинг доирасини аниқлаштириш зарур. Бундай муҳим шартлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- шериклик шартномасининг амал қилиши мuddати;
- шериклар умумий мажлисининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар;
- шериклар умумий мажлиси томонидан қарорларни қабул қилиш тартиби;
- бошқарувчи шерикни сайлаш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби;
- бошқарувчи шерикнинг ваколатлари;
- ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) тузишда юридик ёрдам кўрсатиш ҳақини белгилаш тартиби;
- адвокатлик фирмасининг банк ҳисоб рақамига юридик ёрдам кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлардан адвокатлик фирмасини сақлаш учун қолдириладиган ҳаражатлар миқдорини белгилаш тартиби;
- шериклар томонидан адвокатлик фирмасига мол-мулкни ўз улшлари сифатида киритиши тартиби;
- адвокатлик фирмаси шериклари таркибига (шериклик шартномасига) янги шерикнинг қўшилиши тартиби;
- шерикнинг адвокатлик фирмаси шериклари таркибидан (шериклик шартномасидан) чиқиш тартиби ҳамда унинг адвокатлик фирмаси мол-мулкларига бўлган ҳуқуқларини белгилаш;
- шериклар сони ўзгарганда шериклик шартномасининг амал қилиши ёки бекор бўлиши тартиби.

Ушбу муҳим шартлар шерикликнинг асосий жиҳатларини белгилаб беради ҳамда адвокатлик фирмасининг самарали фаолият кўрсатиши таъминлайди. Айнан шу муҳим шартлар шериклар томонидан келишилиб шериклик шартномасида акс эттирилгандагина шериклик шартномаси тузилган деб ҳисобланиши керак. Шу билан бирга шериклар шериклик шартномасига бошқа шартларни ҳам киритиши мумкин.

2. Шериклик шартномасини давлат рўйхатидан ўтказмаслик тартибини сақлаб қолган ҳолда шериклик шартномаси тузилганлиги ва шериклик шартномасининг амал қилиши тўхтатилганда ёки тугатилганда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини ёзма равишда хабардор қилиш. Шериклик шартномаси амал қилмаган даврда адвокатлик фирмаси юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш ҳуқуқига эга эмаслиги нуқтаи назаридан адвокатлик фирмасига Адвокатлар палатасини шериклик шартномасининг ҳолати тўғрисида хабардор қилиш тартибини жорий қилиш зарур.

3. Адвокатлик фирмасининг адвокатларини икки тоифага таснифлаш лозим: шерик ва адвокат-ассоциат. Бундай таснифлаш адвокатурага кириб келаётган ёш адвокатлар учун адвокатлик фирмасига қўшилиш жараёнини мақбул шаклга келтиришга ёрдам беради. Ёш, тажрибани энди бошлаётган адвокат учун адвокатлик фирмасига шерик сифатида қўшилиши учун муайян маблағ талаб этади. Аммо адвокат-ассоциат шаклини жорий қилиниши ёш, тажрибасиз адвокат учун шерикликсиз ўз касбий фаолиятини бошлашга имконият яратади. Шериклик шартномасининг тарафи сифатида фақат шериклар бўлади, адвокат-ассоциат шериклик шартномасининг тарафи бўлмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон адвокатураси олдида ислохотни талаб этадиган кўп масалалар мавжуд бўлиб, улар бири бўлиб шериклик шартномасини такомиллаштириш масаласи ҳисобланади.